Киши бир биродарини яхши кўрса, унга яхши кўришини билдириб қўйсин», дедилар

Миқдом ибн Маъдий Кариб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши бир биродарини яхши кўрса, унга яхши кўришини билдириб қўйсин», дедилар».

[Саҳиҳ] [Абу Довуд, Термизий, Насоий «Сунани Кубро» ва Аҳмад ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадиси шарифда мўминларнинг бир-бирларига бўлган алоқаларини кучайтирадиган ва улар орасида муҳаббатни ёядиган сабаблардан бирини баён қилмоқдалар. Шунга кўра, бир киши биродарини яхши кўрса, унга яхши кўришини билдириб қўйиши керак.

https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3017

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY
لجنة الدعوة الإلكترونية
EDC E-Da'wah Committee